

Ушбу маблағларнинг иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 33 млрд. 770 млн. 916 минг сўмни ташкил этди. Бу жами харажатга нисбатан 62,9 фоизни ташкил қилган.

Маданий–оммавий тадбирларлар учун 11 млрд. 364 млн. 56 минг сўм, жами харажатга нисбатан 21,1 фоизни ташкил қилган.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари учун жами бўлиб 20 млн. 980 минг сўм харажат қилинган.

Соғломлаштириш масалалари учун 38 млн. 375 минг сўм ишлатилган.

Моддий ёрдам харажатлари учун 97 млн. 667 минг сўм сарфланган.

Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 4 млрд. 656 млн. 224 сўм сарфланган. Бу жами харажатга нисбатан 8,7 фоизни ташкил этади.

Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун жами бўлиб 1 млрд. 672 млн. 223 минг сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 3,1 фоизни ташкил қилган.

Халқаро касаба уюшма бирлашмаларига аъзолик бадаллари учун ажратмалар жами 921 млн. 867 минг сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 1,7 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

Республика Кенгаши харажатларнинг асосий қисмини иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар сифатида 33 млрд. 771 млн. сўмни ташкил этган ва жами харажатга нисбатан 62,9 фоизни ташкил қилган. Маданий–оммавий тадбирларлар учун 11 млрд. 364 млн. сўм, жами харажатга нисбатан 21,1 фоизни ташкил қилган. Жисмоний тарбия ва спорт учун жами бўлиб 21 млн сўм харажат қилинган. Моддий ёрдам харажатлари учун тармоқ бўйича 98 млн. сўм сарфланган. Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 4 млрд. 656 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатга нисбатан 8,7 фоизни ташкил этади. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун жами бўлиб 1 млрд. 672 млн. сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 3,1 фоизни ташкил қилган. Аъзолик бадаллари учун ажратмалар харажатлари 922 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 1,7 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

2020 йил давомида касаба уюшмаси бюджетининг умумий даромади 109 млрд. 871 млн. сўмни ташкил этган. Ушбу маблағларнинг 65 млрд. 923 млн. сўми касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида, 43 млрд. 949 млн. сўми 40 фоизли аъзолик бадали сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ушбу маблағлар ҳудудлар кесимида қуйидагичани ташкил қилди.

2020 йил якуни бўйича бошланғич ташкилотлар томонидан касаба уюшма бюджетининг харажатлар қисми жами 61 млрд. 507 млн. сўмни ташкил этган. Харажатларнинг асосий қисмини маданий–оммавий тадбирлар ташкил этган бўлиб, бу маблағлар 21 млрд. 122 млн. сўмни ташкил этган. Яъни,

жами харажатга нисбатан 34,3 фоизни ташкил қилади. Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 19 млрд. 156 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатга нисбатан 31,4 фоизни ташкил этади. Моддий ёрдам харажатлари учун тармоқ бўйича 10 млрд. 337 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатларга нисбатан 16,8 фоизни ташкил этган. Жисмоний тарбия ва спорт учун жами бўлиб 1 млрд. 863 млн. сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 3,0 фоизни ташкил қилган. Фаолларни рағбатлантириш харажатлари жами 2 млрд. 235 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 3,6 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган. Ходимларни соғломлаштириш учун тармоқ бўйича 6 млрд. 795 млн. сўм, жами харажатга нисбатан 11 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.



Шу жумладан Республика Кенгашининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари қуйидагичани ташкил этган.

| 2020 йил | минг.сўм | фоизда |
|---|--------------------|------------|
| Маданий-оммавий тадбирлар | 435 294,0 | 24,2 |
| Маъмурий-хўжалик харажатлари | 81 650,9 | 0,5 |
| Моддий ёрдам харажатлари | 1 784,0 | 0,1 |
| Жисмоний тарбия ва спорт | 8 100,0 | 4,6 |
| Ходимларни иш ҳақи | 1 179 632,7 | 66,2 |
| Хизмат сафарлари харажатлари | 34 642,68 | 1,9 |
| Халқаро касаба уюшма ташкилотларига аъзолик бадаллари | 41 085,0 | 1,9 |
| Жами | 1 782 189,3 | 100 |

2021 йил давомида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бюджетининг умумий даромади 123 млрд. 171 млн сўмни ташкил этган.

2021 йил феврал ойидан бошлаб касаба уюшмаси Республика Кенгаши Мажлисининг қарорига асосан тармоқ, касаба уюшмасининг тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши натижасида касаба уюшмасининг ҳудудий кенгашлари қайта ташкил этилди. Қайта ташкил этилган ҳудудий кенгашларда 56 штат бирлигидан иборат кенгаш аппаратлари жорий этилди. Апрель ойидан ҳар бир ҳудуд бўйича жами 28 та штат бирлигида Республика Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари лавозимлари жорий этилди. Шу муносабат билан бошланғич ташкилотлар ҳисобида қолдирилган 60 фоиз маблағларнинг 10 фоизи ҳисобидан 7 фоизи ҳудудий кенгашларда, 3 фоизи Республика Кенгаши ҳисоб рақамига ўтказила бошланди.

Шу тўғрисида касаба уюшмаси жами маблағларининг 61 млрд. 586 млн. сўм касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларда, 8 млрд. 622 млн. сўм ҳудудий кенгашларда, 3 млрд. 695 млн. сўми Республика Кенгашига, 43 млрд 949 млн сўми 40 фоизли ажратма кўринишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.



Шу жумладан Республика Кенгашининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари қуйидагичани ташкил этган.

| 2021 йил | минг.сўм | фоизда |
|---|--------------------|------------|
| Маданий-оммавий тадбирлар | 1 840 486,5 | 28,9 |
| Маъмурий-хўжалик харажатлари | 1 116 986,68 | 17,5 |
| Моддий ёрдам харажатлари | 22 548,7 | 0,4 |
| Жисмоний тарбия ва спорт | - | - |
| Ходимларни иш ҳақи | 3 119 245,1 | 49,0 |
| Хизмат сафарлари харажатлари | 224 390,75 | 3,5 |
| Халқаро касаба уюшма ташкилотларига аъзолик бадаллари | 44 007,1 | 0,7 |
| Жами | 6 367 664,7 | 100 |

2022 йил давомида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бюджетининг умумий даромади 159 млрд. 635 млн. сўмни ташкил этган.

Ушбу маблағларнинг 79 млрд. 818 млн. сўми касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида, 11 млрд. 175 млн. сўми ҳудудий кенгашлари, 4 млрд. 789 млн. сўми Республика Кенгашига, 63 млрд. 854 млн. сўми 40 фоизли бадал сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.



Тармоқ касаба уюшма бюджетининг 2022 йил якуни бўйича харажатлар қисми жами 99 млрд. 20 млн. сўмни ташкил этган. Харажатларнинг асосий қисмини маданий-оммавий тадбирлар ташкил этган бўлиб, бу 41 млрд. 379 млн. сўмни ташкил этган. Яъни жами харажатга нисбатан 41,8 фоизни ташкил қилади. Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 22 млрд. 365 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатга нисбатан 22,6 фоизни ташкил этади. Моддий ёрдам харажатлари учун тармоқ бўйича 10 млрд. 999 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатларга нисбатан 11,1 фоизни ташкил этган. Жисмоний тарбия ва спорт учун жами бўлиб 3 млрд. 97 млн. сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 3,1 фоизни ташкил қилган. Фаолларни рағбатлантириш харажатлари жами 3 млрд. 73 млн сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 3,1 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган. Ходимларни соғломлаштириш учун тармоқ бўйича 18 млрд. 103 млн. сўм, жами харажатга нисбатан 18,3 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

Шу жумладан Республика Кенгашининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари қуйидагичани ташкил этган.

| 2022 йил | МИНГ.СЎМ | ФОИЗДА |
|---|---------------------|------------|
| Маданий-оммавий тадбирлар | 1 274 589,3 | 15,2 |
| Маъмурий-хўжалик харажатлари | 929 607,0 | 11,1 |
| Моддий ёрдам харажатлари | 7 920,0 | 0,1 |
| Жисмоний тарбия ва спорт | - | - |
| Ходимларни иш ҳақи | 5 691 915,8 | 67,9 |
| Хизмат сафарлари харажатлари | 314 258,7 | 3,8 |
| Халқаро касаба уюшма ташкилотларига аъзолик бадаллари | 159 341,42 | 1,9 |
| Жами | 6 421 541,30 | 100 |

2023 йил давомида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бюджетининг умумий даромади 199 млрд. 67 млн. сўмни ташкил этган.

Ушбу йилда январ ойидан бошлаб касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси харажатларининг ортиши муносабати билан Республика Кенгаши Мажлисининг қарорига асосан касаба уюшмаси тизимида ходимларга ҳақ тўлаш тартибига ўзгартишлар киритилганлиги сабабли тармоқ, касаба уюшмаси тизимида аъзолик бадалларининг тақсимотига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ҳудудий кенгашларга бошланғич ташкилотларнинг 10 фоизлик ажратмасидан 7 фоизи ўрнига 6,5 фоизи қолдириладиган бўлди ва қолган 3,5 фоизи Республика Кенгаши махсус мақсадли жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказила бошланди.

Шу туфайли касаба уюшмаси жами маблағларининг 99 млрд. 771 млн. сўми касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларда, 12 млрд. 970 млн. сўми ҳудудий кенгашлари, 6 млрд. 984 млн. сўми Республика Кенгашига, 49 млрд. 268 млн. сўми 40 фоизли ажратма кўринишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Тармоқ, касаба уюшма бюджетининг 2023 йил якуни бўйича харажатлар қисми жами 113 млрд. 966 млн. сўмни ташкил этган. Харажатларнинг асосий қисмини маданий–оммавий тадбирлар ташкил этган бўлиб, 51 млрд. 450 млн. сўмни ташкил этган. Яъни жами харажатга нисбатан 45,2 фоизни ташкил қилади. Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 20 млрд. 625 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатга нисбатан 18,1 фоизни ташкил этади. Моддий ёрдам харажатлари учун тармоқ бўйича 12 млрд. 158 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатларга нисбатан 10,7 фоизни ташкил этган. Жисмоний тарбия ва спорт учун жами бўлиб 4 млрд. 261 млн. сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 3,7 фоизни ташкил қилган. Фаолларни рағбатлантириш харажатлари жами 3 млрд. 244 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 2,9 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган. Ходимларни соғломлаштириш учун тармоқ бўйича 22 млрд. 226 млн. сўм, жами харажатга нисбатан 19,5 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

2023 йил

Жами: 113 млрд. 966 млн.

45,1 %

Маданий–оммавий тадбирлар

18,1 %

Маъмурий-хўжалик харажатлари

10,6 %

Моддий ёрдам харажатлари

3,7 %

Жисмоний тарбия ва спорт

2,8 %

Фаолларни рағбатлантириш

19,5 %

Ходимларни соғломлаштириш

Шу жумладан Республика Кенгашининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари куйидагичани ташкил этган.

| 2023 йил | минг.сўм | фоизда |
|---|---------------------|------------|
| Маданий–оммавий тадбирлар | 3 094 630,3 | 25,8 |
| Маъмурий-хўжалик харажатлари | 1 124 750,5 | 9,4 |
| Моддий ёрдам харажатлари | 35 000,0 | 0,3 |
| Жисмоний тарбия ва спорт | - | - |
| Ходимларни иш ҳақи | 7 244 663,5 | 60,3 |
| Хизмат сафарлари харажатлари | 290 771,7 | 2,4 |
| Халқаро касаба уюшма ташкилотларига аъзолик бадаллари | 290 964,2 | 1,9 |
| Жами | 12 018 780,1 | 100 |

2024 йил давомида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бюджетининг умумий даромади 237 млрд. 653 млн. сўмни ташкил этган.

Ушбу маблағларнинг 118 млрд. 827 млн. сўми касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида, 11 млрд. 175 млн. сўми ҳудудий кенгашлари, 15 млрд. 447 млн. сўми Республика Кенгашига, 95 млрд. 61 млн. сўми 40 фоизли бадал сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Тармоқ касаба уюшма бюджетининг 2024 йил якуни бўйича харажатлар қисми жами 144 млрд. 20 млн. сўмни ташкил этган. Харажатларнинг асосий қисмини маданий–оммавий тадбирлар ташкил этган бўлиб, бу 61 млрд. 213 млн. сўмни ташкил этган. Яъни жами харажатга нисбатан 42,5 фоизни ташкил қилади. Маъмурий-хўжалик харажатлари учун жами 31 млрд. 150 млн. сўм сарфланган бўлиб, жами харажатга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этади. Моддий ёрдам харажатлари учун тармоқ бўйича 14 млрд. 85 млн. 78 минг сўм сарфланган бўлиб, жами харажатларга нисбатан 9,8 фоизни ташкил этган. Жисмоний тарбия ва спорт учун жами бўлиб 5 млрд. 793 млн. сўм харажат қилинган, яъни жами харажатга нисбатан 4,0 фоизни ташкил қилган. Фаолларни рағбатлантириш харажатлари жами 5 млрд. 275 млн сўмни ташкил этган бўлиб, жами харажатга нисбатан 3,7 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган. Ходимларни соғломлаштириш учун тармоқ бўйича 26 млрд. 502 млн сўм, жами харажатга нисбатан 18,4 фоиз миқдорида маблағлар сарфланган.

2024 йил**Жами: 114 млрд. 020 млн.****42,5****Маданий–оммавий тадбирлар****21,6****Маъмурий-хўжалик харажатлари****9,7****Моддий ёрдам харажатлари****4,0****Жисмоний тарбия ва спорт****3,6****Фаолларни рағбатлантириш****18,4****Ходимларни соғломлаштириш**

Шу жумладан Республика Кенгашининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари қуйидагичани ташкил этдган.

| <i>2024 йил</i> | <i>минг.сўм</i> | <i>фоизда</i> |
|--|---------------------|---------------|
| Маданий–оммавий тадбирлар | 2 024 285,4 | 14,2 |
| Маъмурий-хўжалик харажатлари | 1 027 869,3 | 7,2 |
| Моддий ёрдам харажатлари | 25 104,1 | 0,2 |
| Жисмоний тарбия ва спорт | 12880,0 | 0,1 |
| Ходимларни иш ҳақи | 10 917 959,9 | 76,5 |
| Хизмат сафарлари харажатлари | 37 633,7 | 0,3 |
| Халқаро касаба уюшма ташкилотларига аъзолик бадаллари | 228 964,2 | 1,6 |
| Жами | 14 274 696,5 | 100 |

2025 йил 7 ой давомида Республика Кенгашининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари қуйидагичани ташкил этган.

| <i>2025 йил</i> | <i>минг.сўм</i> | <i>фоизда</i> |
|--|--------------------|---------------|
| Маданий–оммавий тадбирлар | 2 694 771,1 | 29,6 |
| Маъмурий-хўжалик харажатлари | 375 319,9 | 4,1 |
| Моддий ёрдам харажатлари | 5 310,0 | 0,1 |
| Жисмоний тарбия ва спорт | - | - |
| Ходимларни иш ҳақи | 5 617 499,47 | 61,74 |
| Хизмат сафарлари харажатлари | 185 944,4 | 2,0 |
| Халқаро касаба уюшма ташкилотларига аъзолик бадаллари | 219 504,8 | 2,4 |
| Жами | 1 098 349,6 | 100 |

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ – ОЛИЙ МАҚСАД

ҲИСОБОТ ДАВРИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ЙЎНАЛИШИДА ХОДИМЛАР, АЙНИҚСА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ СИФАТИНИ, ТАРМОҚДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН.

Жумладан, ҳисобот йилларида тармоқдаги барча меҳнат жамоаларида бошланғич ташкилотлар томонидан 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” кенг нишонланиб келинди. Байрам санасида муносабати билан “Мен ғолиб” оммавий югуриш марафонларида 3000 нафар дан ортиқтибиёт ходимлари иштирок этди.

Касаба уюшмасининг барча даражадаги ташкилотлари томонидан Республикамизда нишонланадиган Умумхалқ байрами саналарини кенг нишонлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан:

“8 март – Халқаро хотин-қизлар куни” муносабати билан “Аёлга эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос олижаноб қадрият” деган ғоя остида ўтказилган “Хотин-қизларни эъзозлаш ҳафталиги”да иштироки бўйича чора-тадбирлар дастури тузилиб ижрога қаратилди ва қуйидаги ишлар амалга оширилди:



- барча меҳнат жамоаларида “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни” муносабати билан “Аёлни қадрлаган юрт” номли маънавий-маърифий, байрам тадбирлари ўтказилди;
- меҳнат жамоаларида ўз касбининг фидойилари бўлган илғор хотин-қизлар, шунингдек, меҳнат фахрийлари байрам муносабати билан табрикланди ва рағбатлантирилди;
- ҳар бир ҳудуддан 20 нафардан эҳтиёжманд оила аёллар ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга, республиканинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди;
- уйида ётиб қолган, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.



Ҳар йили 21 март – Наврӯз умумхалқ байрами муносабати билан “Ҳар кунинг Наврӯз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича Республика Кенгаши тамонидан “Йўл харитаси” тузилиб қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтказиладиган ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш тадбирларида фаол иштирок этилди;



- “Наврӯз – қадр-қиммат, меҳр-мурувват ва анъаналар тимсоли” мавзусида барча меҳнат жамоаларида “Маърифат соатлари” ўтказилиб, уларда 175 000 нафардан ортиқ ходимлар иштирок этган.


Байрамнинг тарихи, анъана ва қадриятларимизнинг моҳиятини ва аҳамиятини кенг ёритувчи, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қилувчи “Ассалом, Наврӯз – янгиланиш, меҳр-оқибат ва қадр қиммат айёми!” номли маънавий-маърифий тадбирларда 285 000 нафар тиббиёт ходимлари иштирок этишган. Байрам муносабати билан ўзбек халқ ўйинлари ва спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

2023-2025 йилларнинг феврал ойларида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳамда шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари муносабати билан Андижон тиббиёт институти, Тошкент давлат тиббиёт университети ва Сергели Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида “Икки буюк даҳо, икки бебаҳо” деб номланган маданий-маърифий тадбирларда, икки буюк бобокалонимизга бағишлаб, тайёрланган тақдимотни ифодали тарзда ғазал, рубоийлар ижро этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти билан батафсил таништирилди, тадбирларда 990 нафар касаба уюшма фаоллари қатнашдилар, викториналарда фаол иштирок этган ёшларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилган.



2023-2025 йиллар давомида “15 февраль – саратон касаллигига чалинган болалар куни” ва “14 июн - Бутунжаҳон донорлар куни” муносабати билан тизимда фаолият юритаётган ходимлар ҳамда касаба уюшма фаоллари ўртасида “Қон – бу ҳаёт” шиори остида “Қон топширинг, дунёда ҳаёт давом этсин” акцияси ташкил этилган.

Мен донорман акцияси





2023-2025 йиллар давомида “15 февраль – саратон касаллигига чалинган болалар куни” ва “14 июн - Бутунжаҳон донорлар куни” муносабати билан тизимда фаолият юритаётган ходимлар ҳамда касаба уюшма фаоллари ўртасида “Қон – бу ҳаёт” шиори остида “Қон топширинг, дунёда ҳаёт давом этсин” акцияси ташкил этилган.

Республика Кенгаши ташаббаси билан 2021-2025 йилларда давомида ўтказилган 9 май - "Хотира ва қадрлаш куни" умумхалқ байрами акцияси доирасида соҳада самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган, олдинги 5 йил давомида вафот этган ходимларни хотирлаш учун Республика Кенгашининг **"Ёднома"** ва **"Қадрнома"** тайёрланиб тарқатилган.




Ёднома (2021 - 2025 йй)



Қадрнома

(2021 - 2025 йй)



2021-2025 йиллар давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Републикамиздаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамширалар ўртасида “Ҳамшира” ва “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” Республика кўрик-танловлари ўтказилган. Ушбу тадбирга жами 43 нафар “Ҳамшира” ҳамда 225 нафар “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” ва 2025 йилда алоҳида 15 нафар “Менинг онам ҳамшира” расмлар танлови ғолиблари Республика Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо соғлари билан тақдирланган.



Тадбир доирасида ҳудудлардан 8 650 нафар ҳамширалар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига туризм ташкил этилган.

2021-2025 йиллар давомида 2-8 октябрь кунлари “Кексаларга ҳурмат, ёшларга ибрат” деган ғоя остида ўтказилаётган “Кексалар ҳафталиги” да корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб пенсияга чиққан нуронийлар ва “Фахрийлар кенгаши” аъзоларига бағишланган тадбирлар ўтказилган.

“Кексалар ҳафталиги” доирасида 420 дан ортиқ меҳнат жамоаларида кекса авлод вакиллари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирлар ташкил этилди. Уларда 15000 дан ортиқ меҳнат фахрийлари, устоз ва мураббийлар ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган кекса авлод вакиллари иштироки таъминланган.



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг ҳудудий ёшлар кенгашлари ташаббуси билан биргаликда тизимда меҳнат қилиб ҳозирда нафақада бўлган 1 386 нафар яқка ёлғиз кексаларнинг хонадонларида ҳашарлар ўтказилди, 736 нафар кексаларга юбилей саналари муносабати билан иш берувчилар билан ҳамкорликда қимматбаҳо совға ва моддий ёрдамлар ажатилади.


Тармоқ тизимидаги 450 та бошланғич ташкилотларда хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари томонидан “Саховат” ва “Мурувват” кексалар уйларига ташриф буюриб улар ҳOLIDAN хабар олинди.



8-декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги муносабати билан муассасаларда “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик” умумий шиори остида “Конституциянинг мазмун-моҳияти” мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, тадбирда 22 400 нафар

тиббёт ходим ва талабалар иштирок этган, ҳамда давра суҳбатида фаоллик кўрсатган талабаларга касаба уюшмаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилган.

Хисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси тизимида ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, аъзолар ўртасида ходимлар гимнастикасини йўлга қўйиш, ташкилот ва муассасаларда спорт мусобақлари ташкил этиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди.



Жумладан, хисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидаги 357 та бошланғич ташкилотларда 2086 мартаба спорт тадбирларининг туман, шаҳар босқичлари, 254 мартаба вилоят босқичлари ўтказилди. Мазкур спорт тадбирларда жами 183 199 нафар тиббиёт ходимлар иштирок этдилар.

“11 ноябр Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан ўтказилган югуриш марафонида Республика бўйича 786 та ташкилотдан 450 минг нафар ходим иштирок этган.

